



6 декабрь куни Россия Ислам институтида Татаристон муфтийси Комил хазрат Самигуллин ташаббуси билан 2017 йилнинг июлида шакллантирилган «халол» махсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги техник кўмитанинг илк йиғилиши бўлиб ўтади. Бу ҳақда Islam-today сайтида хабар тарқатилди.

Кўмитанинг бош мақсади “Халол” махсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига умумфедерал стандартлаштирилган усулларни жорий қилишдан иборат бўлиб, бу Россия товар ишлаб чиқарувчиларига талабни умумийлаштириш ҳамда ички бозорни ўзлаштириш ва махсулотларни хорижга экспорт қилиш имконини яратади. Йиғилиш ишида Россия минтақавий мусулмонлар маънавий бошқармалари, хусусан, Татаристон, Москва ва Санкт-Петербургда, сут ва гўшт саноати илмий институтлари, “Халол” сертификатлаш кўмита ва марказлари, ишлаб чиқариш корхоналаридан вакиллар катнашади.